

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн еттинчи мақола)



15:00 / 18.05.2020 1763

40. Рамазон каффоротдир. Рамазон оyi олдинги гуноҳларни ўчириб юборадиган ойдир.

Имом Насоий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким иймон билан, савоб умидида Рамазон рўзасини тутса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади. Ким иймон билан, савоб умидида Рамазон кечаларини ибодат билан ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади. Ким Қадр кечасини иймон билан, савоб умидида ибодат билан ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади**», деганлар.

Абдурраҳмон розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда эса «**Албатта, Аллоҳ таборака ва таоло сизларга Рамазоннинг рўзасини фарз қилди, мен эса унинг кечаларини ибодат билан ўтказишни сизга суннат қилдим. Ким иймон билан, савоб умидида унинг рўзасини тутса ва кечаларини ибодат билан ўтказса, гуноҳларидан онаси туққан кундагидек тоза бўлади**», дейилган.

Имом Бухорий Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «**Кишининг фитнага учраши ўз аҳли, моли, фарзанди ва қўшниси сабабли бўлади. Уни намоз, рўза, садақа, (яхшиликка) буюриш ва (ёмонликдан) қайтариш ўчиради**», дейилган.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид